



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 октябр, сешанба № 165 (1179)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидай: «Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар ҳам Ватан хақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанни ҳар жihatдан юксалтиришга, кўз қорачигидай авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб химоя қилишга даъват этади». Шу маънода, мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Абдулла Кодирий номидаги халқ мейроси наشريётида чоп этилган «Ватанимга хизмат қиламан» китобини ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги айни шундай гўзал ва дилбар қўшиқлар жамланган тўплам, деб аташ мумкин.



Истиклол шарофати туфайли ўзимизнинг шавкатли Куролли Кучларимизга - миллий кўшинимизга эга бўлдик. Бу эса соҳада ҳар томонлама кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш, шу жумладан, Ватанимиз чегаралари дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини сергак кўриклаётган аскар ва офицерларимиз учун сафда туриб айтиладиган қўшиқлар, маршлар яратиш борасидаги ижодий изланишлар учун ҳам катта имкониятлар яратди. Натижада сўнгги йилларда кутлуг она заминга муҳаббат, Ватанга меҳр, шавкатли аждодларга хурмат, ҳарбий бурчга садоқат руҳи йўғрилган кўплаб янги-янги жанговар қўшиқлар дунёга келди.

Харбийларимиз руҳини кўтарётган ана шундай қўшиқлар ташкил бастакор Ҳабибулла Раҳимов ва Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев томонидан сараланиб, китоб ҳолига келтирилди. Китобда қўшиқларнинг ноталари билан биргаликда ўқувчилик ҳужмига ҳавола этилгани ҳарбий хизматчиларга, хаваскорлик жамоаларига, назм ва наво шивандаларига уларни ўрганиш, қуйлаши учун янада қулайлик яратиши шубҳасиз. Зеро, Юртбошимиз Ислам Каримов айтганидай: «Ватани севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб қуйлаш энг олий бахтидир!»

қарорлигига таҳдид солаётган омиллари ўрганиб, таҳлил этиш борасида музокаралар ўтказди. Ўзбекистон ЕХХТ раҳнамолигидаги кўплаб анжуманларга мезбонлик ҳам қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари М.Жеоненинг юртимизга ташифини нафақат ЕХХТнинг амалдаги раиси, балки Руминия ташқи ишлар вазирининг ташифи, деб ҳам билишини таъкидлади ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг суръати тобора ошаётганидан мамунлигини билдирди.

Урашувда Ўзбекистон-ЕХХТ муносабатларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА).

Суратда: қабул пайти. А. Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 октябр кўни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Руминия ташқи ишлар вазирини Мирча Жеонени қабул қилди.

нинг февралда Ўзбекистон мазкур ташкилот сафига қабул қилинганидан буён икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожлантирди. ЕХХТнинг кўплаб тadbирлари орқали Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро миқёсдаги ташаббуслари, мамлакатимизнинг дунёдаги долзарб масалаларга муносабати халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этилмоқда. ЕХХТ ҳужжатларида таҳдидлар мавжудлиги ва уларнинг хавфи ҳақидаги тезис киритилган.

Ташкилотнинг амалдаги раислари ҳар йили Ўзбекистонга келиб, турли муаммо ва можароларнинг олдини олиш, экология, иқтисодиёт, инсоний мезонлар ва умуман минтақа бар-

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги ҳар томонлама ривожланиб бораётган муносабатларда муҳим ўрин тутади, - деди Ислам Каримов - учрашувда.

Сўнгги йилларда, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш ва демократия кадрятларини мустақамлаш жаранидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Дарҳақиқат, 1992 йил-

ЗАРДЎЗЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

Бухоро вилоят Ромитан туман меҳнат бўлими томонидан ташкил этилган меҳнат бозорида корхона ва ташкилотлар юздан зиёд бўш иш ўринларини тақлиф этди. Натижада 14 киши ихтисоси бўйича ишга жойлашди, 11 киши эса ҳуқуқий маслаҳат олди. 24 нафар хотин-қиз тикувчилик ва зардўзлик курсига ўқишга юборилди.

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Амударё туманида қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган замонавий тиббиёт шохобчаси очилди. Энг сўнгги андозадаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган мазкур саломатлик масканида терапия, стоматология, акушер-гинекология ва болалар бўлимлари мавжуд.

Шифо масканининг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Қамолов иштирок этди.

(ЎЗА).

Германиянинг Қизил Хоч ташкилоти томонидан вилоят 1-шифохонаси ҳамда Самарқанддаги немис тиббий ижтимоий марказига инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Асосан дори-дармонлар ва тиббий асбоб-ускуналардан иборат ушбу инсонпарварлик муруватининг бир қисмини вилоятдаги ноғиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз кексаларга беришни режалаштирганмиз, - деди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Хайдар Холов.

«Туркистон-пресс»

Бугун ҳам хаво очик. Ахён-ахёнда енгил шабада эсмоқда. Машина файзли дапа йўлидан манзил томон бормоқда. Ўнг томонда пахта далалари. Пайкалларга бўлиниб хотиржам дур йиғиштираётган теримчилар меҳнати самарали бўлаётганини тележқаларга уюлган пахтадан ҳам билса бўлади.

Терим агрегатларига ажратилган майдонлардаги ҳосил чўғи кўзни қувнатади. Мазкур хўжалик «Меҳнат роҳат» хусусий корхонаси тасарруфига қиради. Унинг раҳбари Курбон Амиркуловнинг таъкидлашича, заршуносларганимат кунлар қадрига етиб ишламоқдалар. Айниқса, техника имкониятларидан иложи борича унумли фойдаланилмоқда.

Бироздан сўнг шолиторлар кўзга ташланди. Бу ерда шולי ҳар қачонгидан мўл бўлибди. Комбайнни мохирлик билан бошқариб бораётган мавсум қаҳрамонларидан бири билан суҳбатлашиш истаги тугилди.

ШОЛИКОРЛАР ШИЖОАТИ

Музработ туманидаги ерлари Афғонистонга туташ Ат-Термизий номидаги ширкат хўжалиги далаларида

Шундан 1700 гектари ўриб-янчиб бўлинди. Қабул пунктларига 7 минг тонна шולי топшириб, шартномавий режа бажарилди.

Хўжалигимиз миришкорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб яна минг тонна шולי топширишга азму қарор қилдилар. Ишончим комилки, ваъда албатта бажарилади.

Тажрибали шоликор Афғонистондаги воқеалар одамлар кайфиятига, иш унумига таъсир қилмаётгани, - деган саволимизга:

— Бундай саволларни ҳатто хорижлик мухбирлар ҳам кўплаб беришарди. Жавобим шу: бизда тинчлик, хотиржамлик. Пахтақору шоликор бемалол пешона тери эвазига етиштирган ҳосилни саранжомлаб олмоқда. Чамаси гап-сўзлар кўпроқ баъзи хорижий ахборот воситалари томонидан бўлаяпти. Очғи, баъзи мишмишларни эшитиб, ўзимиз ҳам таажжубга тушамиз. Аравани куруқ оқочаётган ўша чет эллик мухбирлар хўжалигимизда бўлишса, бу ердаги осойишта ҳаёт, завқли меҳнатни ўз кўзлари билан кўргач уялиб қолишарди.

Ширкат маъмурияти, касаба уюшма кўмитаси ўрим-йиғимда иштирок этаётганларга қулай шартнолар яратган. Ҳар кун икки маҳал иссиқ овқат, чой хўжалик ҳосибидан тайёрланмоқда. Сўз усталари дам олиш соатларида пахтақору шоликорларни дунё воқеаларидан бохабар қилишмоқда. Ишловчилар мустақам ижтимоий ҳимояга олинган. Яқинда 25 оила янги уйларга кўчиб келди.

«Қурбонқўрган» деб номланган мажмуада ахойиб ошхона, чойхона бунёд этилмоқда. Бош қўргондаги иссиқ нон чеҳи, дўқонлар, устaxonалар мунтазам ишлаб турибди. Қишлоқ аҳли ўзининг одатий қувончу ташвишлари билан яшамоқда.

Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Шахрихон туманида хотин-қизлар учун «Эзгу» ўқувиш-лаб чикариш маркази очилди. Уни «Одина» хусусий фирмаси қошида тadbиркор С.Отахонова ташкил этди.

ТАДБИРКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ўз фаолиятини кичкина цехдан бошлаган ушбу фирма қисқа вақт ичида ўз сифат белгисига эга бўлди. Бугунги кунда «Одина» хусусий фирмаси маҳсулотлари - ўқувчилар кийими, сумкалар, бошқа тикувчилик маҳсулотларига талаб катта.

Фирма оёққа туриб олгач, ўз фаолиятини кенгайтирди, хусусан, «Эзгу» ўқувиш-лаб чикариш марказини очди. Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Фуломова иштирок этди. «Эзгу» маркази тақдиротидан сўнг «Одина» хусусий фирмасида тайёрланган либослар намойиш этилди ва Шахрихондаги маданият саройида хотин-қизлар орасида тadbиркорликни ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Қорувулбозор тумани филиали бириёула учта фермерга минни-кредит ажратди. «Азиз» фермер хўжалиги 1,5 миллион сўм, «Истиклол» 2,5 миллион сўм, «Химматбобо» 3 миллион сўмни қорвачиликда маҳсулот ишлаб чикаришини ривожлантириш учун олди. Қорувулбозорлик яна икки тadbиркор ҳам банкдан куруқ қайтмади. Уларнинг ҳар бири 1,2 миллион сўмдан кредит олиб, макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чикаришни режалаштирган.

(ЎЗА).

ГАЗ БОСИМИ ЯХШИЛАНДИ

Шуманай туманидаги «Дехқонобод» ширкат хўжалиги ва «Дўстлик байроғи» деҳқон фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳамда «Қорақалпоқавтойўл» акционерлик бирлашмасининг ёрдамчи хўжалигида яшовчи аҳоли кишининг совуқ кунларида табиий газ босими пасайиб кетишидан ташвиш чекарди. Аҳолини табиий газ билан узул-

сиз таъминлашни яхшилаш ҳамда қувурларда босимнинг кўтарилишига эришиш мақсадида Қонлиқўлақ Деҳқонобод газ трассасидаги газ тақсимлаш станцияси реконструкция қилинди. Шунингдек, бу ерда иккинчи редуктор ҳам ўрнатилди. Эндиликда газ қувурларидаги босим 1-1,5 атмосферага ортадиган бўлди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси АКШ томонидан Афғонистонда акцидтерроп операцияси ўтказилаётгани туфайли парвозларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тadbирларни амалга оширмоқда.

Сеул, Пекин, Бангкок, Куала-Лумпур, Деҳли ва Амритсарга қатновчи халқаро рейслар сони қисқартирилмасдан, Афғонистон ҳудудини айланиб ўтган ҳолда амалга оширилмоқда.

Фарбий Европа ва АКШ йўналишларидаги самолётлар жадвал бўйича учмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро аэропортлари, шу жумладан, Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган «Тошкент» аэропорти

ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАБ

одатдаги тартибда ишларияпти. Йўловчилар ва юкларнинг синчилаб текширилиши, аэропорт ҳамда ҳаво кемаларининг кўриқлиниши террорчилик ҳаракатини амалга ошириш учун интилишга ҳам ўрин қолдирмайди.

Авиация хавфсизлиги хизмати ходимлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг хавф юқори бўлган минтақаларга қатновларида бевосита иштирок этмоқда.

Айни пайтда эса жаҳон авиакомпанияларининг тажрибалари ва ИКАО тавсияларини ҳисобга олган ҳолда миллий авиакомпания рейслари хавфсизлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар

Муносабат ТИНЧЛИК УЧУН керак бўлса жонни тикиш керак

Республикамиз меҳнат жамоалари, маҳаллалари, муассасаларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда аср вабоси бўлиши халқаро терроризм, у инсоният бошига солаётган мусибатлар қатъий қораланмоқда. Ана шундай тadbирлардан бири Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг «Беруний майдони» маҳалласида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилди.

— Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро тинчликни мустақамлаш йўлида нималар қилиши керак?, - дея гап бошлади маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси Одилжон Низомов. — Фикримча, аввало ўта хушёр бўлишимиз, миш-мишларга ишончли тарзда зарб беришимиз, ўз ишимизни виджонан бажаришимиз керак. Масалан, маҳалла фаоллари юқори қаватли уйлارнинг ертўраларини қатъий назоратга олишган. Уларнинг эшигу туйнуклари маҳкам беркитилган. Бу ишда баъзи корхоналар, саховатпеша кишилар ҳам яқиндан ёрдам беришди. Вақти-вақти билан ўтказилаётган савол-жавоблар, учрашувларда мутасадди кишилар халқаро воқеалар хусусида одамларга ҳикоя қилиб беришмоқда. Кишилар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олишмоқда. Бу каби тadbирлар кўп миллатли кишилар ўртасидаги ҳамқору ҳамжиҳатликни мустақамламоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими А.Ақромхўжаев ўз фикрини шундай ифодалади: — Ҳар қандай ёвуз куч таъсирига осон тушадиганлар тажрибасиз, эътиқоди суст ёшлардир. Шу боис шаҳарчамизда йиғит ва қизлар ўртасида тарғибот ишларини уюшқоқлик билан олиб боришга ҳаракат қилаяптимиз. Яқинда ёшлар театри студиясини тақлиф этдик. Санъаткорлар 5 минг нафардан ортиқ талабаларга «Ўз уйингни ўзинг асра!», «Ўзлингнинг унутма», «Ота фарди» спектаклларини намойиш этишди. Спектаклларнинг тарбиявий аҳамияти қутулгандек бўлди, дея айта оламиз. Улар ёшларни Ватанга садоқат, ганимларга нафрат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Б.СУЛТОНОВА, «Ишонч» мухбири.

амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси аввалгидек хавфсиз авиакомпания бўлиб қолмоқда ва парвозлар хавфсизлигининг ишончли тизимини яратиш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

(ЎЗА).

Аёлга гўзаллик, меҳр-муҳаббат тимсоли сифатида қараймиз. Президентимиз Фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳаракат дастурида ҳам аёл меҳнатини қадрлаш, унга қулай меҳнат ва дам олиш шартини яратиб бериш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

— Қадимий китобларда ёзилишича, бир ҳукмдор кўшни мамлакатни забт этмоқчи бўлиб, у ерга ўз элчисини юбораркан, қаттиқ тайинлабди:

— Менга фақат бир нарса — ўша юрда аёл зотиға муносабат қандайлигини билиб келсан бўлгани.

Элчи ўша мамлакатда уч йил юриб, аҳволни синчковлик билан ўрганибди ва қайтиб, ҳукмдорига дебди:

— У юрда аёлларга муқаддас зот сифатида қараларкан.

— Шундайми? У ҳолда бундай халқни сираям тиз чўктириб бўлмас. Чунки, хотин-қизларни-ю, Ватанни ҳимоя қилгани бутун эл отланади.

Мен бу ривоятни турли давраларда кўп тилга оламан. Ўз қорхонамиз ҳақида гапирадиган бўлсам, жамоамиз 604 кишидан иборат.

Уларнинг тўртдан уч қисмини аёллар ташкил этади. Ишлаб чи-

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАМОҚ МАРДНИНГ ИШИ

қараётган маҳсулотимиз — харидоригр, бозори чаққон. Йилни катта фойда билан яқунлашимизга кўзимиз етиб турибди. Чунки, ҳақ истеъмоли моллари тайёрлашда режадагидан анча олдинда кетяпмиз.

Шунинг учун ҳам рўзгор ва фарзанд тарбиясининг асосий юкни зиммага олишдан ташқари, меҳнатда ҳам сидқидилдан тер тўкаётган хотин-қизларимизни ҳар қанча эъзозласак оз, деб ўйлайман. Бу меҳрибонлик аслида маъмурият билан қасаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномасида ўз ифодасини топган.

Кейинги 6 ойда ишчи-ходимларимизнинг маданий дам олиши, со-

2001 йил — Оналар ва болалар йили

ғломлаштириш ва ижтимоий ҳимоясига 5 миллион 933,5 миң сўм сарфлабмиз. Бу маблағ асосан қорхона ички, таш-

ловларимиз, айниқса, овоза бўлди. Шу кунларда халқро терроризм ҳамда гиёҳвандликка қарши кураш мавзула-

лакали таълим берилмоқда. Қишлоқдаги спорт клуби ёшлар билан кўпинча гавжум. Шунинг учун ҳам бу муассасаларга ҳимойлик қиляпмиз, ёрдамни аямаяпмиз. Биргина спортчиларимизнинг Тошкентда республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб келишлари учун юз миң сўм сарфладик.

«Аёл — табиятнинг энг буюқ мўъжизаси, — деб уқтиради Ўртбосимиз, — бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва бу мўъжизани яратган Оллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир».

Қорхона маъмурияти билан қасаба уюшма кўмитаси ана шу бурчни адо этиш йўлида ўз куч-ғайратини аямаяди.

Мастураҳон РАИМКҲУЛОВА, Андижон вилояти Ойим қишлоғидаги «Бунёд-М» тўқимачилик ҳиссасдорлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси раиси.

ҚИШЛОҚҚА МАЛАКАЛИ ТИББӢЙ ХИЗМАТ

Ўтабек қишлоғи «Ромитан» ширкат ҳўжалигидаги аҳолиси гавжум гўшалардан ҳисобланади. Қишлоқ аҳли туман марказига бориб келиш учун анча вақт сарфлашарди. Ҳўжалик раҳбарияти саъй-ҳаракати билан Ўтабекда янги ҳақимлик маскани ишга туширилди. Бу эса қишлоқ аҳлига малакали тиббӣй хизмат кўрсатиш

имкониятини яратди. Лойиҳа қиймати 33,5 миллион сўмлик шифо масканини 191-ҳўжалиқларро кўча механизациялашган жамланманнинг кўли гул қурувчилари қисқа фурсатда қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Усмон НАВРЎЗОВ.

Меҳнат бозори ёрдами

ОРТИҚЧА ИШЧИ КУЧЛАРИ КИЧИК ҚОРХОНАЛАРГА

Бухоро вилоятининг йирик туманларидан бири Гиждувонда меҳнат бозорини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Туман қасаба уюшма тармок қўмиталари меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ишлаб чиқилган тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

— Йил бошидан бери 8 миң нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштирилди ва истақлари билан чиқди, — дейди биз билан суҳбатда туман меҳнат, аҳоли иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Б.Одилов. — Меҳнат бозорига чиққанлардан 3293 нафарини биринчи бор иш сўраб келганлар ташкил этади.

Туманда меҳнат бозорини йўлга қўйиш аниқ дастур асосида олиб борилмоқда. Йилнинг ўтган ойларидан штати қисқартирилган 260 нафар киши бошқа қорхоналарга ишга жойлаштирилди. Аҳоқ тузатиш колонияларидан бўйштилган 120, кўнимсизлик оқибатида ишдан озод қилинган 3260, ҳарбий хизматдан қайтган 820, иш қидирувчилардан 268, жой алмашувчилардан 204 нафари меҳнат бозорига чиқди.

Қасаба уюшмалари ва бўлим ташаббуси билан 1 нафар фуқарога «Саодат» фирмасида, 6 кишига «Еш куч» кичик қорхонасида тикувчилик касби ўргатилмоқда. 5 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди.

Тумандаги «Моҳичеҳра», «Ориф бобо» хусусий фирмалари, «Оқ олтин» ширкат ҳўжалиғи, Абдухалиқ Гиждувоний номли ҳиссасдорлик жамияти ва 59-ихтисослаштирилган мактабнинг зардўзлик цехларида касб-ҳунар ўрганган малакали ёшлар ишламоқда.

Биргина ўтган йили фуқароларни иш билан таъминлашга қўмақлашиш жамғармасидан 50 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 300 дан ортиқ иш ўрни яратилиши белгиланган эди. Лекин айрим жойларда янги иш ўринлари очишга етарли эътибор берилмади. Зафаробод, Кўкча, Райнобод, Позагари қишлоқ фуқаролар йиғинларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Туманнинг меҳнат бозорини шакллантиришдаги имконияти катта. Меҳнат бўлими томонидан 3 та фуқаро Жанубий Корея Республикасига ишга жўнатилди. Туман ҳқимлиғи ва қасаба уюшмалари араклашуви билан ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролардан 300 нафари иш билан таъминланди.

Асосий эътибор вояга етмаган ёшларнинг меҳнат муҳофазасига қаратилаяпти. Жойларда кичик қорхоналар, тикувчилик цехлари ва бошқа тадбиркорлик тузилмалари ташкил этилмоқда. Йил бошидан бери 600 нафарга яқин бекор юрган ўсмир ана шундай қорхоналардан иш топди.

Ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси давр талабидир. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб, иқтисодий салоҳияти ўсиб бораётган туманда ёшлар ишсиз қолмаслиғи учун ҳамма қоралар қўриляпти.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Қаҳрамонлар орамизда

«НАМУНА»НИНГ НАМУНАЛИ ОДАМЛАРИ

Ёзининг жазирама кунлари эди. Мадамин бобо ўз томорқасида барпо қилган боғини кўздан кечираркан, олма дарахтининг қовжираб қурий бошлаганини кўриб, ичидан эзилди. Тупроқ оптоқ тус олиб, тарашадек қотиб ётарди. Бобо бунни ёш ниҳол пайтида машҳур Ҳазорасп олмасидан новда олиб келиб, пайвандаган эди-да. Энди мевага қираман деганда қурғоқчиликдан қурий бошлаганига чидаш осонми? Бу унинг боғида қуриётган тўртинчи дарахт эди.

Ота неварасига қудуқдан сув олдириб, дарух тағига қуйди. «Қудуқдаги сув ҳам қаммайиб кетибди», — деди невараси. Тўрт пақир сув гўё қумга синггандек йўқ бўлиб кетди. Бир иложини қилиш керак, акс ҳолда бутун бир қишлоқ боғлари қовжираб қолади».

Мадамин бобо маслакдош дўсти Ма-шариф Тўраев билан биргалашиб, ширкат раисига учрашишга қарор қилди. Гурлан туманидаги «Намуна» ширкат ҳўжалиғи раиси Қурол Санаев фахрийларнинг гап-сўзларини обдон тинглагач:

— Тўғри, осон бўлма-япти, сув кам. Бунинг устига ҳавонинг тафтиям кундан-кунга заптига олаяпти. Лекин ҳавотирланманглар, кеча Президент фармоғи эълон қилинди. Қурғоқчиликда қолган Қорақалпоғистон Республикиси ва Хоразм вилояти аҳолисига эрта-индин қўшимча сув насослари юборилади. Лимитдаги навбат билан бериладиган дастлабки сувни томорқаларга ва боғ-роғларга берамиз.

Раис ваъдасида турди. Икки кундан кейин қишлоқ посёлқалари оралаб қазилган ариқлар сувга лог тўлиб оқа бошлади. Боғ-роғларга ва томорқа экинларига жон кирди.

«Намуна» ширкат ҳўжалиғи 1600 гектар майдонда пахта етиштиради. Жамоа табиий офат билан мардонавор олишиб, шартномавий режаларни муттасил бажариб келмоқда. Ширкат раисининг бошқа ҳўжалик раҳбарларидан ажралиб турадиган бир хислати бор. У ҳақда қишлоқ аҳли: «Ра-

исимиз бўладиган гапни сўзлайди, ваъда берди ми, бажаради. Узоқни ўйлаб иш қилади баракат топкур...» — дейди.

— Ширкат ўз аъзоларига ойлик маошларини мунтазам ўз вақтида бериб келмоқда, — дейди туман агроносат мажмуи ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси Ҳ.Қозоқов. — Ширкатда кам таъминланган, ногирон, кўп болали оилалар ва фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қилинади. Шу йилнинг ўзида юқоридаги мақсадлар учун 1 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳақиқатан ҳам ҳўжалиқнинг пудратчилардан қарзи йўқ. Маъмурият тўй қилган 468 нафар пудратчиға шу йилнинг ўзида 8 миллион сўм қарз бергани ҳам ибратлидир.

— Ширкатимиз Аму-дарёга яқин, — дейди Қ.Санаев. — Дарё суви қамая бошлаганига олти-етти йилча бўлди. Бу қурғоқчилик хавфи қунайишидан дарак берарди. Шунинг назарда тутиб биз сувсизликка чидамли гўза навини танладик. 1997 йилда 8 хил гўза навининг чигитини қадаб тажриба қилиб кўрдик. Хуллас, «Юлдуз» нави чидамли ва ҳосилдорроқ бўлиб чиқди. Мана, уч йилдир-ки, шу нави экиб келаяпмиз.

Мутахассислар ҳосилни чамалаб кўриб, бир миллиард сўмлик даромад олиш, рентабелликни 17-18 фоизга етказишни мўлжаллашмоқда. Олинадиган даромаднинг тенг ярми пахтадан бўлса, қолгани бугдой, қанд лавлагани, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа қўшимча соҳалар эвазига бўлади. Қишлоқ посёлқалари

ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан тўла таъминланган.

Ўқувчилар ёзги таътилларини қишлоқларидаги 120 ўринли оромгоҳда ўтказишди. Шу йилнинг ўзида унда 340 нафар ўқувчи дам олди. Ширкат қасаба уюшма кўмитасининг раисаси Раъноҳон Жуманиёзова 160 нафар кишини республика ва вилоят санаторийларида, 30 дан ортиқ қасаба уюшма аъзосини эса ҳўжалик маблағи ҳисобига тумандаги «Гурлан» сиаҳатгоҳида дам олдиришда бош-қош бўлди. Қасабақўм қишлоқда оммавий спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Қишлоқ стадионида фаолият юритаётган футбол, баскетбол, енгил атлетика ва миллий кураш бўйича секциялар ёшлар билан гавжум. Шунинг учун ҳам бу ерда жиноят кўчасига кирганлар учрамайди.

Қишлоқда ободончилик билан шуғулланадиган, ҳўжалик ҳисобида ишлайдиган учта бригада тузилган. Бригадалар аҳоли учун уй қуриб бериш, турли таъмирлаш ишлари билан ҳам шуғулланишарди. Ширкат Италиянинг «Далитаг» фирмаси билан мева қадқоқлайдиган қўшма қорхона тузиш учун шартнома тузган. Айни пайтда қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Тез орада бу ерда яна 50 иш ўрни очилади. Маиший хизмат шохобчалари — сартарошхона, этикдўзлик ва тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Туман бўйича «Намуна»дагина дала шийполаари намунали.

Эл севган раҳбар, моҳир ташкилотчи Қ.Санаев самарали хизматлари учун Республиканинг мустақиллигини ўн йиллиғи арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.



БЕЖИРИМ ШИША БУЮМЛАР

Қизилтепа шаҳрида синган ва кераксиз шиша идишлар ахлатга ташлаб юборилмайдиган бўлди. Сабаби, бу ерда шиша буюмлар ишлаб чиқарадиган «Фарход» кичик қорхонаси ишга тушди. Уни тадбиркор йигит Фарход Хайруллаев бунёд этди. Эндилкида вилоят бўйича ишга яроксиз шишалар йиғиб олиниб, қайта ишланмоқда.

— Қорхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва арзонлиғи билан элга манзур бўлмоқда, — дейди қорхона раҳбари Ф.Хайруллаев. — Айниқса, Мурод Ҳожиев, Али-

шер Қорғедиев, Ҳаким Обидов каби кўли гул усталар тайёрлаётган кўза, ваза ва бошқа совғабоп шиша буюмлар харидоригр. Хўнармандларимиз кўлида сайқал топаётган маҳсулотларга кўшни Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилояти бозорларида ҳам қизиқувчилар кўпаймоқда. Натижада ҳар ойда 600-800 миң сўмлик шиша буюмлар савдога чиқариляпти. Бу эса қорхонамиз иқтисодини мустаҳкамлашга имкон яратди. Келгуси йилдан бошлаб маҳсулотлар турини ўнтага етказиш ниятидамиз.

Маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари қасаба уюшмалари оталиғида

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоклари ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси ҳам меҳнатқашлар маънавиятини юксалтириш ҳамда улар ўртасида оммавий спортни кенг ривожлантириш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Хозирги пайтда тармоқда 6 та маданий муассасаси, 18 та кутубхона, 7 та бадий ҳаваскорлик тўғарағи фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда Тошкент авиация бирлашмаси Давлат акциядорлик жамиятининг маданий маркази, Олмалик тоғ-металлургия комбинати очик акциядорлик жамиятининг «Металлург», Ўзбекистон очик акциядорлик жамиятининг «Металлург», Ўзбекистон очик акциядорлик жамиятининг «Металлург» филиалларида 1612 та турли маданий тадбир ўтказилиб, улардан ўн миңдан зиёд киши қатнашди. Бадий ҳаваскорлик жамоалари эса меҳнатқашлар ҳузурда, санаторий-профилакторий ҳамда ёзги синов станцияларида концертлар уюштирмоқда. Клубнинг «Парвоз» ҳамда доирачилардан

надаги бўлими ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, бозор иқтисодиёти шароитларини инобатга олиб, ка-

надаги бўлими ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, бозор иқтисодиёти шароитларини инобатга олиб, ка-

ТЎКИС ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ...

иборат бадий ҳаваскорлик дасталари нафақат ўз жамоалари, балки болалар уйлари, маҳалла кўмиталарида ҳамда пойтахтимизда ўтказилаётган турли тадбирларда ҳам фаол қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

«Олимпия» спорт-соғломлаштириш мажмуида эса спортнинг 8 тури бўйича бўлимлар мунтазам ишлаб турибди. Уларга кам даромадли ҳамда ногиронлар бепул машғулот ўтказишмоқда. Бу йил бирлашмада спортнинг 6 тури бўйича 5 та мусобақа бўлиб ўтди.

«Тошкент трактор заводи» жамиятига қарали маданий саройида ўтказилган 30 дан зиёд оммавий тадбирда 12 миң нафардан зиёд киши қатнашди. Бу ерда 12 тўғарақ ишлаб турибди. Қорхонада қасаба уюшма кўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда маънавият ҳамда спортга оид тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Фақатгина шу йилнинг биринчи ярми мобайнида қасаба уюшма кўмитаси томонидан мазкур мақсадлар учун 349 миң сўмлик маблағ сарфлангани фикримизнинг далилидир. Маънавият соҳасида «Камолот» жамғармасининг қорхо-

надаги бўлими ҳам фаол иш олиб бормоқда.

«Тошкент трактор заводи» жамиятига қарали маданий саройида ўтказилган 30 дан зиёд оммавий тадбирда 12 миң нафардан зиёд киши қатнашди. Бу ерда 12 тўғарақ ишлаб турибди. Қорхонада қасаба уюшма кўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда маънавият ҳамда спортга оид тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Фақатгина шу йилнинг биринчи ярми мобайнида қасаба уюшма кўмитаси томонидан мазкур мақсадлар учун 349 миң сўмлик маблағ сарфлангани фикримизнинг далилидир. Маънавият соҳасида «Камолот» жамғармасининг қорхо-

надаги бўлими ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, бозор иқтисодиёти шароитларини инобатга олиб, ка-

надаги бўлими ҳам фаол иш олиб бормоқда.

«Тошкент трактор заводи» жамиятига қарали маданий саройида ўтказилган 30 дан зиёд оммавий тадбирда 12 миң нафардан зиёд киши қатнашди. Бу ерда 12 тўғарақ ишлаб турибди. Қорхонада қасаба уюшма кўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда маънавият ҳамда спортга оид тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Фақатгина шу йилнинг биринчи ярми мобайнида қасаба уюшма кўмитаси томонидан мазкур мақсадлар учун 349 миң сўмлик маблағ сарфлангани фикримизнинг далилидир. Маънавият соҳасида «Камолот» жамғармасининг қорхо-

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Тармоқ Марказий кўмиталари иш тажрибасидан

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва туман Марказий кўмитаси вилоят ва туманларда аҳолига намунали маданий хизмат кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ва қизиқарли ўтказиш, ягона голя — миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Яқинда ушбу масалалар Марказий кўмитанинг раёсат йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди.

МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Жорий йилнинг саккизи ойи мобайнида барча вилоятлар қатори Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тармоқ касаб ва уюшма кўмиталарида ҳам «Она ва бола» Давлат дастурини бажариш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу тадбирлар асосида бошланғич ташиқлотлар ҳам «Оналар ва болалар йили»га бағишланган тармоқ дастурларини қабул қилганлар.

Тиббиёт муассасаларида, олий ва ўрта тиббиёт ўқув юртлирида ўтказилаётган суҳбатларда ёшларни маънавий, баркамол этиб вояга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги таъкидланмоқда. Касаб ва уюшма кўмиталари бошчилигида Президент асарлари, ҳукуматимиз қарорлари акс эттирилган бўлимлар, «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилган. Кутубхоналар ёшлар билан гавжум.

Талаба-ёшларнинг билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида кўзга қўрилган фан ва маданий ходимлари, ёзувчилар, шоирлар ҳамда санъаткорлар таълим этилиб, қизиқари учрашувлар ўтказилмоқда. Ҳар ойнинг охиригача кун икки вилоятда маънавият кунини деб эълон қилинган. Шу кунни ўтказилаётган жонли мулоқотлар ёшларда катта таассурот қолдирмоқда.

Қашқадарё вилоятининг тармоқ тизимида «Намунали маънавият ва маърифат маркази» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. У баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унда Қарши тиббиёт коллежи биринчи, вилоят санитария-эпидемиология назорат маркази иккинчи ва Ҳузор тумани марказий шифохонаси фахрий учинчи ўринни эгаллашиб, «Энг намунали маъна-

ва туман касаб ва уюшма кўмиталари ва ҳомий ташиқлотлар томонидан таъсис этилган кимматбахо совринлар ҳамда «Фахрий ёрлик» лар билан тақдирланмоқда.

Тармоқ муассасаларида меҳнат қилаётган аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари одат тусига кирган. Термиз ва Қарши шаҳарларида энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган «Она ва бола скрининги» тиббий марказлари ишлаб бoшлагани ҳам диққатга сазовордир. Иккала вилоятда вилоят ва туман тез тиббий ёрдам марказлари, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилгани хотин-қизларга иш ўринлари ва қулай меҳнат шaroитлари яратилганлигидан далолатдир.

Тармоқ тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юзасидан 2000-2005 йиллар учун қабул қилинган дастур амалга ошириляпти. Иккала вилоятда ҳам ходимлар ва талабалар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича минтақавий спартакиадалар ўтказилди. Қашқадарё касаб ва уюшмалари вилоят Кенгашининг тармоқларига бўлиб ўтган спартакиадасида соғлиқни сақлаш тармоқ спортчилари фахрий иккинчи ўринни эгаллашди.

Бирок, ушбу вилоят кўмиталари фаолиятида маънавият ва маърифат ишларини ривожлантириш борасида ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлиги раёсат йиғилишида алоҳида кўрсатиб ўтилди. Вилоят кўмиталарида баъзи ташиқлотлар амалга ошириши керак бўлган аниқ йўналиш ва тадбирлар белгилаб берилмаган. Ишлаб чиқилган дастурлар барча бошланғич ташиқлотларда бир-бирига алоҳида алоҳида эришилмапти. Қабул қилинган тадбирларнинг бажарилиши бўйича бошланғич ташиқлотлардан аниқ маълумотлар олинмаган.

Маънавият ва маърифат масалаларига ҳозирги кунда алоҳида эътибор берилмаётган экан, касаб ва уюшмалари юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишга солишлар деб умид қиламиз.

Ортиқ САИДОВ, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистоннинг жаннатмакон гўшалари

«ЭРКИН»ДА МЕХНАТ ФАХРИЙЛАРИ ДАВОЛАНИШАДИ

Чортоқ Ўзбекистоннинг жаннатмакон гўшаларидан бири. Бу ернинг ҳавоси мусаффо, шифобахш маъданли суви танга даво. Шу боис бу ерда кўплаб сихатгоҳлар, болалар оромгоҳлари бўлиб этилган. Ана шундай сўлим масканлардан бири «Эркин» хусусий сихатгоҳидир.

Санаторийга асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг шаҳар, вилоят бошқармалари, туман бўлимлари томонидан бепул йўланма билан таъминланган нуроний отахон ва онахонлар ташриф буюрадилар. Маскан 100 нафар кишига мўлжалланган.

Чортоқсой бағридаги бу сўлим гўшада таянч-ҳаракат аззолари, асаб, ошқозон-ичак, жигар, тери, гинекологик касалликлари даво-

ланади. Сихатгоҳнинг энг муҳим даволовчи омилларидан бири — йодли, бромли, юқори минераллашган ҳлорид, натрий, кальций, магнийли метабол кислота сакловчи маъданли сувлардир. Бу ерда минерал суви ванналар, душ, физиотерапевтик, шам-озакерит, уқалаш каби муолажалар қўлланилади. Эркинбой Орифбоев, Олимжон Омонжонов, Муаттархон Маматвалиева, Баҳоидир

Алимов каби шифокорлар мижозларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга, уларга яратилган шарт-шaroитларни ҳам назорат этиб бoришади.

Тақлиф ва мулоҳазалар дафтари вақарлар экансиз, унда ҳамширалардан Ровзaxon Қамчиёва, Ойпўлат Аҳмедовалар номига битилган кўплаб миннатдорчилик сўзларини ўқийсиз. Даволанувчиларнинг маданий

Шифобахш масканда дам олиб, даволанган тошкентлик меҳнат фахрийларидан Абдувакил Ортиков, Роза Курамшина, Ёқуб Сулаймоновлар саломатликларини тиклашга ўзининг ширин сўзю меҳрибонлиги ҳамда муолажаси билан кўмаклашган тиббиёт ходимларига чин дилдан раҳмат дейишди.

Эркин Тўлаганов, меҳнат фахрийси.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

(Мамлакатлар, одамлар, воқеалар)

ЗАРБАЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛМОҚДА

Кейинги кунларда Афғонистонда террорчиларга қарши амалга ошириляётган зарбалар муваффақиятли бўлмоқда. Буни жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчилари тизини изохларидан ҳам билиб оلسа бўлади. Хусусан, кунни кеча Қобул шахрига янги зарба берилди. Оқибатда «Толибон» ҳаракатининг 80 фоиздан зиёд ҳарбий нукталари йўқ қилинди. АҚШ бирлашган штаблари кўмондонларининг бошлиғи генерал Ричард Майерс журналистлар билан қилган суҳбатида ўтган ҳафтанинг сўнгги кунларида амалга оширилган ҳарбий ҳужумлар тўғрисида тўлиқ ахборот берди.

ИСЛОМОБОДДА МУЗОКАРАЛАР

Террорчиларнинг Афғонистондаги ўчоқларига тинимсиз зарба берилмаётган бир пайтда «Толибон»чиларнинг ташқи ишлар вазири Вакил Мутавакил Покистонга сафар қилди. У ташрифи чоғида Исломободда мазкур мамлакатнинг олий мартабали арбоблари билан мулоқотда бўлди. Музокараларда толибларнинг айна пайтдаги раҳбари Мулла Умарни раҳбарликдан четлаштириш, бундай мулоқот ниҳоясига етган, алоҳида кўшма ҳужжатнинг қабул этилиши кутилмоқда.

АХДНОМА ЙЎҚКА ЧИҚДИ

Кейинги кунларда Исроилнинг сайёҳлик ишлари бўйича вазири Реҳавама Зеэви суиқасд натижасида ҳалок бўлган сўнг Исроил билан Фаластин маъмурияти ўртасидаги муносабатлар янада қалтис тус олди. Кунни кеча Р.Зеэви қотиллари ушланиб, Исроил томонида берилмас экан, Фаластинга қарши қуролли ҳужум бошланиши мумкин деган тахмин тўғри бўлиб чиқди. Қотилларни Фаластин томонининг ўзи суд қилажаклиги билдирилган, Исроил танклари Рамаллах, Женин каби шаҳарларга бостириб кирди. Натижада отишмалар авжига чиқди. Бу орада ФАТХ ташкилоти раҳбарларидан бири Атеф Абоят ҳалок бўлди. Уни Исроил тинч аҳолига қарши террорчилик ҳужумлари уюштиришда айблаган эди. Охир-оқибатда бир ой муқаддам имзоланган яраш аҳдномаси йўққа чиқди.

КОМПЬЮТЕР МУШУК

Япония олимлари компьютерсозлик соҳасида янги қадам қўйдилар. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар қилишича, олимлар ва мутахассислар мушук қиёфасидаги робот-компьютерни яратганлар. Бу «ажойиб жонивор» миёвлайди, қулоқларини диққайтиради, жунларини жундиқтиради, зерикиб қолса, керишади. Маълум бўлишича, роботни ҳаракатга келтирувчи тактил

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТЛАРИ

Ўтган дам олиш кунлари АҚШда 11 сентябр фожеалари қурбонлари хотирасига бағишлаб хайрия концертлари бўлиб ўтди. Вашингтонда қарийб саккиз соат давом этган ана шундай концертлардан бирида машҳур кўшиқчилар Майкл Жексон ва Мэрайя Кэрилар иштирок этишди. Шундай томондорлик билан бири Нэшил шаҳрида ҳам уюштирилди. Хайрия марафонлари ташкилотчиларнинг айтишларича, тадбирдан тушган маблағларнинг барчаси фожеа қурбонларига кўмак бериш учун ишлатилади.

КАПИТОЛИЙ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ

АҚШнинг маъмурий биноси — Капитолий кенчадан яна ўз фаолиятини бошлади. Капитолий полиция бошқармаси матбуот котиби CNN телекомпаниясига берган интервьюсида шу ҳақда маълум қилди. Хабарингиз бор, бу ерда сибир куйдиргиси касаллиги-

ИТАЛИЯ

Маннон Уйгур номидаги маҳалларда «Терроризм — барча халқлар душмани» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, маҳалла кўмиталари, оддий фуқароларнинг яшаш жойларида содир этиляётган жиноятлар ва бошқа гайриқонуний ҳатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатлар ҳам аниқланиб, уларни тез орада бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, республикадаги барча маҳаллалар, мавзэ, қишлоқ ва овулларда ҳавфсизликни таъминлашда маҳалла посбонлари, халқ посбонлари, чегара ҳудудларида чегара посбонлари каби фуқаролик тузилмаларининг кучли салоҳиятидан унумли фойдаланилмоқда. Зарур жойларда ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда жадвал асосида кечаю кундуз навбатчилик йўлга қўйилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, биз огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашни кундалик ишимиз ва ҳаракат дастуримизга айлантириш учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этмоқдамиз.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири

ҚИММАТЛИ АХБОРОТ МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида халқаро терроризм ва экстремизмнинг тарихи ҳамда бугунги қиёфасига бағишланган ахборот-заҳира базасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув юртлири раҳбарлари иштирок этди.

Базада халқаро террорчиликнинг ҳақиқий башарасини очишга қаратилган ҳужжатлар, фото ва видеоматериаллар тўпланган. Интернет тармоғига қўйилган мўлжалланган бу махсуслотлар замонавий ахборот технологияларини ўқитиш ва таъқиқ қилиш жараёнида ўта фаол иштирошга қулайлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Аср вабоси бўлмиш халқаро террорчилик ва унга қарши кураш ҳозирда ер юзидаги барча тараққийпарвар давлатлар ва инсонлар қатори муастакил Ўзбекистон халқи учун ҳам энг долзарб вазифага айланди.

БУ КУРАШДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ЭМАС

Шу кунларда мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг халқаро террорга қарши курашишни ташкил этишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан вазирлик ва идоралар, ташиқлотлар томонидан муҳим тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган ана шу иллатга барҳам бериш борасидаги бу курашдан маҳаллалар ҳам четда қолмапти.

Биз ўз фаолиятимизни давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 октябр кунини эълон қилинган Баёноти ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан «Тинчлик учун курашмоқ керак» мавзусидаги суҳбатда илгари сурилган кимматли фикр ва давлатлар асо-

сида олиб бoриямиз, дейди республика «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Шухрат Жалилов. - Бунда Юртбошимизнинг тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар қайси фуқаро, аввало, ўз вазифасини вайжонан адо этиш билан бирга, гаразли мақсадда қилинаётган информацион хуружларга, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўляётган воқеаларга тийрак нигоҳ билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур, деган сўзларига қатъий амал қилинмоқда. Зеро, бугунги мураккаб шароит жойларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш учун

ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ҳозирда мазкур йўналишда республика маҳаллаларида ҳокимликлар, ички ишлар ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, дин арбоблари иштирокида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бoрилмоқда.

Самарқанд вилоятида беш юзтадан зиёд маҳалла оқсоқоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Президентимиз Баёноти қизгин маъқулланиб, уни туман ва шаҳарлар ҳамда маҳаллаларда фуқаролар иштирокида кенг тарғиб этиш юзасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг Зангиота, Паркент, Бўстонлик ва Оҳангарон туманлари маҳаллаларида «Тинчлик учун курашмоқ керак», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Огоҳлик — муқаддас бурч» мавзуларида йиғилишлар, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманининг «Илгор» ва

«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.



«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари

Ўзбекистон халқ рассоми, Бадий академиянинг фахрий аъзоси, профессор Малик Набиев мусаввиргина эмас, ёшларнинг ажойиб мураббийи ҳамдир. Халқимиз «Кариганда роҳат кўр» деб бежиз айтмас экан. Саксон беш ёшга тўлаётган бир пайтда Малик отанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши гоҳат қувончли воқеа бўлди. Инсоний меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-иззат ота руҳиятини кўтариб, янада ёшартиргандай бўлди. Ижодхонада биз кўрмаган турли хил тасвирлар, ранг-баранг асарлар пайдо бўлди.

қилар... Мураббий мусаввир бўлиш тинмай ўқиб-ўрганишни, кенг дунёқарашга эга бўлишни талаб этарди. Ва у ўқишдан, изданишдан эринмади. Ёшларни тарбиялаш учун ташкил қилинган икки йиллик курсга кириб ўқиди. Мутахассислик бўйича дастурга қаламтасвир, рангтасвир ва унинг технологияси, санъат тари-

ҳамкасблар, талабаларга доим очик эди. Уларга маслаҳатлар шу ерда бериларди. Мусаввир ишлаб турган пайтда кириб қолган кишиларга ҳеч вақт «ижодимга ҳалақит бердинг» демаган. Бу хона ўзига хос кичик музейни эслатар, унинг деворлари бадий асар яратиш жараёнлари ақс этган қўлланма суратлар, тасви-


олишган Дукчи Эшонга бағишланган асар. Малик Набиев ўз халқ ҳаётини пухта билган мусаввирлигини унутмаслик керак. У ижодини ўз миллати «Ўзбек портрети» (1937 йилдан бошлаганди). У устозлари Ақром Тошканбоев ва Баҳром Хамдабийларнинг «Сен ўзбексан, ўзбек рассомсан, шундай экан, ўз халқинг ҳаётини чуқур ўрган, ўзбекларни тасвирида, кейин бошқаларни» деган васиятларига амал қилгани учун ишлари ўнгидан келарди. Лекин муваффақият осонликча қўлга киритилмаслигини Малик Набиев яхши биларди. Масалан, саксон ёшни қоралаб қолган бир пайтда чизилган «Соҳибқирон Амир Темури» портрети ўзига хос тарихга эга. 1941 йилда тарих музейига келтирилган Темури ва темурийларни мумиёлаб қўйилган жасадларини ўз кўзи билан кўрган рассом уни тасвирлашда жуда қийналди. Ҳаётлар оғушига ғарқ бўлган пайтларидан бирида туш кўрди. Тушга Соҳибқирон Темури кириб, гўё уни руҳлантиргандек бўлди. Мусаввирнинг дунё миқёсда қабул қилинган, ЮНЕСКО тан олган иши Абу Райҳон Беруний портрети бўлса, эндигиси қариган чоғларида тасвирланган Амир Темури портрети бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Буниси ҳам мезон сифатида қабул қилинди. Пойтахтимиздаги, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги, хуллас, барча яратилган Амир Темури ҳайкалларида ана шу қиёфа ўз аксини топган. Айнан шу қиёфа асосида тақвимлар, плакатлар, маркалар чиқди.

МУРАББИЙ-МУСАВВИР



Абдулла Қодирий ўйчан, синчков, жиддий боқишли инсон эканлигини пайқадим. У киши бизни яхши кутиб олди. Тезда мақсадга ўтиб, топшириқлар бера бошладилар. Шахсан менга: «Бангиллик авж оляпти, курашиш керак. Абдумалик, халқ десанг, ҳақ десанг, ростўйлик йўлидан бориб, «Баланд мачит»даги маҳаллада яшаётган бангилар ҳаётини ўрганиб, ҳажвий расм ишлаб кел. Кузатганимда гўё шуларга ўхшагин, - дедилар-да, бир оз ўйланиб, - гапимга тўғри тушун, тагин бангилардек бўлиб қолма», деб, кулиб, ҳазиллашиб ҳам қўйдилар.

ри санъат асарлари намуналари илиб қўйилганди. Малик Набиев асарлари сони мингдан ортади. Ўзбек тасвирий санъати тарихида Малик Набиев яратган асарларидан буюк алломаларимиз: Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Розий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темури, Аҳмад Фарғоний, Камолитдин Беҳзод портретлари етуклиги, инсон руҳиятининг очилиши билан айниқас машҳурдир. Барча дарсликларда ва тарихий меросимизда ушбу портретлардан фойдаланилмоқда.



Ўзбекистон тарихи музейида сақланаётган «Спитамен кўзғолони», «Муканна кўзғолони», Жиззах ўлкашунослик музейидаги «Жиззах кўзғолони» ва бошқа ўнлаб тарихий асарлари томошабинларимизга ёд бўлиб кетган. Халқимизнинг асл фарзандлари, адолат деб бош кўтариб, қатагон қилинган Файзулла Хўжаев, Мунавварқори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирийлар қиёфалари ўзига хос кўринишларда жонланган. Босқинчилар билан мардонвор

Малик Набиев малака оширишлар билан чегараланиб қолмади. Буни қарангки, 1938 йилдаёқ Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган моҳир мусаввир мураббийлик сир-асрорларини янада пухтароқ эгаллаш учун орадан ўн тўққиз йил ўтиб, Низомий номидagi Тошкент Давлат педагогика институти бадий-графика факультетини сиртки бўлимига кирди ва уни 1962 йили муваффақиятли битирди. Олий ўқув юрти раҳбарияти 1958 йилиёқ Малик Набиевга муаллимлик қилишга йўл очиб берган эди. Институтни битиргач, 1963-1988 йилга қадар рангтасвир ва қаламтасвир кафедраси мудири, профессор лавозимларида узоқ ишлади.

Лекин бангилар ҳаётдан чизган суратларини ёзувчига ёқмади. Шундай бўлса-да, Темирийўлчилар ҳаётдан «Машинист оиласи» деб аталмиш, ҳажвий бўлмаса-да, тарбиявий мазмуздаги расмим «Мўшгум» журналида босилиб чиқди. Кейинчалик Абдулла Қодирийнинг ихчамроқ портретини яратдим. Адабиёт дарслигига мўлжалланган бу асаримда ёзувчинини қандай бўлса, шундайлиги таъсирлашга ҳаракат қилганман. Ҳеч қандай қўшимчалар йўқ. Уша ўйчанлик, ўша жиддий бо-



КОЛЛЕЖДА СПАРТАКИАДА

Тошкент Алоқа коллежида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касабаси билан ўтказилаётган «Оналар ва болалар йилига бағишланган республика спартакиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди. — Тармоқда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, саломатлиги муҳофазасини таъминлаш касабаси уюшмаларининг долзарб вазифаларидан биридир, - деди Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Тоҳиржон Назаржонов. - Бунда спорт ва спорт тадбирлари-

нинг ёрдами катта бўлмоқда. Чунки, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини оммавий спортга жалб этиш жисмонан ва руҳан тегишлики таъминлаб, меҳнат унумдорлигини оширади. Айниқас, мазкур соҳада руҳий ва жисмоний терапий муҳим аҳамият касб этади. Мусобақаларда алоқачиларнинг пухта ҳозирлик кўрганлиги сезилиб турди. Волейбол ва стритбол бешлашувларида самарқандликлар пешқадамлик қилдилар. Эстафета мусобақаларида эса қорақалпоғистонликларга омад кулиб бокди. Волейбол ҳамда стритбол бўйича мусобақаларда Тошкент шаҳри алоқачилари биринчи самарқандликлар иккинчи маррани забт этишди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Самарқанд вилояти, иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси вакилларига насиб этди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири. И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Биодеградацияланувчи полимерлар! Бу иборат полимерлар кимёси ва физикаси билими билан шуғулланувчи мутахассислар орасида тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Зеро, бу хил полимерларни ҳосил қилиш ва уларни сановат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш халқ ҳўжалигида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқас, шу жараёнда дизайн ва синтезга янгича ёндашув полимерлар кимёси ва физикасини ривожлантиришнинг долзарб омилларидан бирига айланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг полимерлар кимёси ва физикаси институти томонидан ташкил қилинган республика илмий-амалий конференциясида шу соҳа истиқболлари атрофида кўриб чиқилди. Анжуманда микрокристалли целлюлозаларнинг кимёвий ва физик хоссалари бўйича маърузалар тингланди.

РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар орасида спортни тараққий эттириш, айниқас, муҳим ўрин тутди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмараси кубоги учун Фарғона вилоятида 29 ноябрдан 1 декабргача ўтказилган кизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича республика мусобақаси ана шундай хайрли тадбирлардан бири бўлади. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмарасида мазкур мусобақани ўтказиш бўйича ташкилий кўмади йиғилиши бўлиб ўтди.

Ақбар АЛИЕВ.

Бадий гимнастика

Ҳар тўғрида Фойдаси Катта

Чармли пойфазаларни тозалаш учун 1-2 қошиқ қиздирилган ўсимлик ёғи билан яхшилаб артиш керак. Иложи борича ёғдан кўпроқ суртган маъкул. Орадан 10 минут ўтгач, чоғга ёки тузди сувда намланган пахта билан яхшилаб артинг. Бундай усулдан фақат кузда ва қишда фойдаланган маъкул. Бундай пойфазал чидамли ва кўркам бўлади.

РАҚС — САЛОМАТЛИК РАМЗИ

Этибор берган бўлсангиз, раққосалар тенгдошларига нисбатан гўзал ва ҳушқомат бўладилар. Негаки, ўйинга тушиш, рақс фақат дам олиш эмас, инсоннинг юрагини бақувват қилиб, турли касалликлардан асрар экан. Чунки, рақсга тушган одамнинг руҳи енгиллашиб, кайфияти кўтарилар ва чарчоғи ёзиларкан. Рух ва кайфиятнинг мўътадиллиги эса саломатлик гаровидир.

ОВҚАТЛАНАЁТГАНДА КИМАНГ

Кўпчилигимиз китоб ва газета ўқиб, «мазза» қилиб овқатланишни хуш кўрамиз. Аммо, бу одат саломатлигимизга қони зарар экан. Мутахассис олимларнинг эътирофи эътиборга, овқатланаётганда ўқиш ҳазм безлари фаолияти ва меъда шираси ажралишига таъсир кўрсатади, иштаҳани йўқотади, одам овқатнинг лаззатини тўла ҳис қилмайди. Бундай ҳолда ошқозон ости беши яллигланади, қизил ўнган шикастланади, кўз хиралашади, одам руҳан толиқади, боз устига овқатланаётганда китоб ўқиш маданиятсизлик, атрофдагиларга ҳурматсизлик ҳисобланади.

Салкам ярим асрдирки, бу студия ҳаваскор рассомлар учун маҳорат мактаби бўлиб келмоқда. Тошкентдаги Темирийўлчилар маданият саройида фаолият кўрсатиб келаётган тасвирий ва амалий санъат студияси бу йиллар давомида ҳар томонлама мустақамланиб, ёш истеъодлар ижодий камолатида муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб унга халқ студияси деган фахрли ном берилди. Шундан сўнг студия томонидан қўлаб кўргазмалар ташкил этилди. Уларнинг айримлари республикамиз бўйлаб муваффақиятли намойиш қилинди. Бу ерда ўз истеъодини ўстирган қатор ёш рассомлар эндиликда Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзолари-дир. Р. Азизов, Д.Усмонов, В.Гуленко ва бошқалар шулар жумласидан. Маданият саройида яқинда очилган навбатдаги кўргазма «Ўзбекистон манзаралари» деб номланди. Унда «Тоғ жилғаси», «Наврўз», «Чотқол» каби талайгина расмлар қўйилган. Улар студия истеъодлари ижодий маҳоратидан далолат беради.

«МИРОҚИ» ДА МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

«Мироқи» сихаттоқи республикамиздаги хуш-ҳаво, табииат гўзал даволаш масканларидан бири. Ҳар йили мингдан ортик меҳнаткашлар айнан шу ерда таътиллари кўнгилли ўтказадилар. Бунда сихаттоқда ташкил этилаётган турли тадбирлар, санъаткорларнинг чиқишлари айниқас кўл келмоқда.

Яқинда сихаттоқда шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Муқимий номидagi мусиқали драма ва комедия театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Равшан Солиқов, телеминиатюралар театри актёри, «Табассум» радиожурнали режиссёри Аҳмадхон Рўзиев, хонанда Равшан Мансуров, ёзувчи Саъдулла Сиёевлар томонидан ижро этилган интермедия, ашула, театр чиқишлари, ижодий намуналар тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

— Вожа одамлари орасида кўп бўлганман, — дейди Равшан Солиқов. — Ҳар келганда сихаттоқнинг табати, Ҳисор тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган зилол сувлардан ҳайратим ортади.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра барча сихаттоқлар қатори «Мироқи»да Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятдан келган меҳнаткашлар ҳам дам олмақдалар. Бугунгача сихаттоқда 100 нафардан ортик киши бу ерга келиб саломатликларини тикладилар, — дейди сихаттоқ бош шифокори Тўлқин Турдиев.

«Есимозек» ҳўжалигида яшовчи Қарақўз Алипова, Кегейли туманидаги «Халқабод» ҳўжалигининг ишчиси Турдигул Нуримова, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги Огаҳий номли мактаб ўқитувчиси Гулчеҳра Ёкубова, Қўшқўпри туман Марказий шифохонаси ҳамшираси Ражаббиди Матмуродова, Қўнғирот тумани даги 47-мактаб ўқитувчиси Анжим Досановлар ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.



КЕЧИККАН ҒАЛАБА Гарчанд Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги сўнгги учрашувда жаҳон чемпионатида йўлланмани нақд қилиб қўйган хитойлик футболчилар устидан 1:0 ҳисобида устун келган бўлса-да, плей-офф баҳсларида қатнашиш ўз майдонида Уммон терма жамоаси билан дурангга эришган (ҳисоб — 2:2) БАА чарм тўп усталарига насиб этди. Биз эса энди 2006 йилги жаҳон чемпионатини кутишга мажбурмиз.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва зъонлар бўлими 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишда топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00.

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида теририлди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Согулда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.